

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ

Жалолиддин Алишер ўғли Нуркулов

Гулистон давлат университети, Ахборот технологиялари факультети, Амалий
математика ва информатика йўналиши талабаси

АННОТАЦИЯ

Келтирилган ушбу мақолада ахборот технологиялари асосида электрон ресурсларни бошқариш тизimini яратиш ҳақида тушунча ва тавсиялар берилган. Ахборот технологияларидан фойдаланиб электрон ресурсларни бошқариш тизimini яратиш, ҳамда соҳага тегишли инновацион технологиялар орқали самарадорликни янада ошириш мумкин.

Калит сўзлар: интернет, компьютер, маълумотни узатиш, конструктив, техника, инновацион технология.

АННОТАЦИЯ

В этой статье представлены идеи и рекомендации по созданию системы управления электронными ресурсами на основе информационных технологий. Использование информационных технологий для создания системы управления электронными ресурсами, а также инновационные технологии, связанные с этой областью, могут повысить эффективность.

Ключевые слова: компетенция, интернет, компьютер, передача данных, конструктивная, техническая, инновационная технология.

ABSTRACT

This article provides insights and recommendations on creating an electronic resource management system based on information technologies. Using information

technologies to create an electronic resource management system, and through innovative technologies related to the field, efficiency can be further increased.

Keywords: competence, internet, computer, data transmission, constructive, technical, innovative technology.

Электрон ресурслар тизими (ЭРТ) – ҳар хил форматдаги ҳужжатларнинг тизимлаштирилган тўплами (шу жумладан китоблар, методик қўлланмалар ва шу каби ўқув услубий материаллар) бўлиб, у навигацион ва қидириш функциялари билан таъминланган. Бу тизим Web шаклида тайёрланган, маҳаллий ва интернет тармоғида ишлайди. Таълим муассасаси ресурс маркази томонидан жамланган, мутахассис тайёрлаш учун зарур бўладиган барча ўқув услубий материалларни тизимлаштирилган ҳолда фойдаланиш имкониятини беради.

Дастурни бошқариш “**дастур администратори**” томонидан, ўқув-услубий материалларни бошқариш эса “**мўхаррир-база редактори**” томонидан амалга оширилади.

Дастурдан таълим муассасаси ўқитувчилари, ўқувчилари ва шу соҳада фаолият олиб борувчи изланувчилар фойдаланиши мумкин.

Мазкур электрон ресурслар тизимини ташкил қилишда “Дарахт” (Tree) усулидан фойдаланилган. Бу усулда дарахт таркибига киритилган барча ресурслар тенг ҳуқуқли бўлиб, бир биридан фақат хоссалари билан ажралади. Ҳар бир ресурс бошқа ресурсга эгалик қилиши ёки тобе бўлиши мумкин.

Электрон ресурслар тизими базасига катта ҳажмдаги (сервер имкониятларидан келиб чиқиб) ресурслар қўшиш мумкин. Электрон ресурслар тизимида ресурслар қуйидаги кетма-кетликда жойлаштирилади:

Соҳа → Йўналиш → Касб → Китоб → Бўлим → Боб → Мавзу.

Мўҳит базасига матн, расм, видео ва анимацион роликларни жамлаш имконияти мавжуд.

Электрон ресурсининг амалдаги базасига “Қишлоқ ва сув хўжалиги” соҳасининг “Сув хўжалиги ва мелиорация” ва “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи” йўналишларига тааллуқли ўқув услубий материаллар жойлаштирилган.

Электрон ресурслар тизимида қидирув тизими мавжуд бўлиб, дастлаб унда калит сўзлар орқали ресурс базасидан қидирилади. Қидирув натижалари чиққанидан кейин эса, экранга чиқарилган натижаларнинг юқорисида кенгайтирилган қидирувни амалга ошириш мумкин бўлган ойнага ўтилади. Кенгайтирилган қидирув қисмида китоб номи, унинг муаллифлари, нашр қилинган йили, нашриёти, ISBN рақами каби параметрлар ёрдамида кенгайтирилган қидирувни амалга оширишимиз мумкин.

Бу тизим “Мижоз-сервер” архитектураси асосида маҳаллий тармоқда ишлайди. Яъни, дастур таълим муассасаси серверига ўрнатилади ва у тизим администратори томонидан бошқарилади. Фойдаланувчилар шу маҳаллий тармоққа уланган компьютерлар орқали Web браузер манзиллар сатрига kutubxona сўзини ёзиб киришлари мумкин. Фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш тизим администратори томонидан амалга оширилади.

Қуйидаги чизмада электрон ресурслар тизими базасига жойлаштирилган ресурсларнинг схемаси кўрсатилган.



Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, электрон ресурслар тизими интерфейси фойдаланиш учун қулай тарзда яратилган. Тизимга Web браузернинг манзиллар сатрига <http://kutubxona> сўзини ёзиш орқали кирилади. Тизимнинг бошқарув бўлимига кириш учун Web браузернинг манзиллар сатрига <http://kutubxona/manager> сўзини ёзиб кирилади. Электрон ресурслар тизими “мижоз-сервер” архитектураси асосида ишлайди. Ҳозирги кунда тизим “Қишлоқ ва сув хўжалиги” соҳасидаги касб-ҳунар коллежларида фойдаланиш мумкин.

ҲОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Гайназаров С.М., Хакимов М.Х. Берилганлар базасини бошқариш тизимлари. – Т.: “Фан ва технология”, 2013. – 648 б. – ISBN 978-9943-4263.
2. Шлоснейгл Д. Профессиональное программирование на PHP. – М.: “Вильямс”, 2006. – 624 б. – ISBN 5-8459-0925-2.

3. Д.Э.Абдураимов, А.Н.Адилов, Ж.А.Нуркулов “Таълимни рақамлаштириш шароитида педагогика ва психологиянинг муаммолари ва истиқболлари” мавзусидаги Юксак педагогик маҳорат соҳиби Омон Сувановнинг 80 йиллик юблейига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси материаллари 2022-йил, 6-7-май, Гулистон, Ўзбекистон 287-289 бетлар.
4. ўғли Нуркулов Ж. А. ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВГА АСОСЛАНИШ //Conferencea. – 2022. – С. 393-396.
5. Абдураимов Д. Э. Описание алгоритмов важность программы Crocodile ICT //Вестник научных конференций. – ООО Консалтинговая компания Юком, 2019. – №. 4-3. – С. 8-9.
6. Бейли Л., Моррисон М., Изучаем PHP и MySQL. – М.: “Эксмо”, 2010. –800 с. – 978-5-699-44494-с.